

«ГИРДОБ»НИНГ ТАРИХИ

Атоқли давлат арбоби Шароф Рашидов ижодкор бўлгани учун ҳам қалам аҳлига ўзини яқин тутарди, уларга илиқ муносабатда бўларди. Унинг эътиборидан бахраманд бўлганлардан бири — ёш истеъдодли адиб Уктам Усмонов эди. Шароф Рашидовнинг назари тушган «Гирдоб» романи кейинчалик турли мукофотларга сазовор бўлди. Мазкур асар асосида суратга олинган тўрт қисмли телефильм миллионлаб томошабинларни бефарқ қолдирмади...

Келинг, яхшиси шу ўринда устоз журналист Исмоил Сулаймоновнинг «Эл отаси эди» китобига мурожаат қилсак, ҳаммаси ойдинлашади-қўяди: «Зиммасида қанчалик оғир ва масъулиятли юк бўлишига қарамай, Шароф Рашидов эл оғизга тушган қатор асарлар қўлёзмасини ўқишга улгургани ҳамда биринчилардан бўлиб, унга оқ йўл тилаганидан кўнгли хабардор. «Гирдоб» романи пайдо бўлиши билан тезда оғизга тушди. Уктам Усмоновни катта ижодий ютуқ билан табриклагани олди-да бордим. Гап орасида, кескин тўқнашувларга бой бу асар осонликча юзага чиқмаган бўлса керак, деган фикрни ўртага ташладим.

— Э, нимасини айтасиз, — деди раҳматли. — Ҳеч ким ярамайди, ҳали хом асар, деб узил-кесил айтмаганди, лекин уни чоп этишга ҳам шошилмадим. Ўйлаб-ўйлаб, не-не андиша ила асар қўлёзмасини Шароф Рашидовга олиб кириб бердим. Бир ой ўтди, икки ой ўтди. Жимжитлик. Ўзимни-ўзим қийин бўлладим: у одамнинг бошидаги ташвиш камиди, энди сенки етмай турувди, деб. Шундай ҳаёлларда юрган кунларим қақриб қолди. «Чин дилдан табриклайман, жуда муҳим, жуда зарур асар яратибсиз, азаматлик кўрсатибсиз, — деди Шароф Рашидов қўлимни қисиб. — Халқимиз ташна

бундай китобга. Чоп этишни тезлаштиришларини айтдим. Янги ижодий парвоз тилайман сизга»...

Ўнлаб романлар ёзиб, китобхонлар эътиборига тушмаганлар бор. Уктам Усмоновнинг «Гирдоб» эса нафақат китобхонлар, телетомошабинлар қалбидан ҳам жой олди, ўзбек адабиётини яна бир ажойиб асар сифатида бойитди. Эсимдан чиқмайди: қўни-қўшнилари жамулжам бўлиб, телевизор қаршисида ўтирарди, ҳар кун шу аҳвол эди, телефильмнинг навбатдаги қисми тугагач, ҳар ким ўз таассуроти билан ўртоқлашарди.

Уктам Усмонов «Баҳс бойлашган бола», «Баҳор чакмоқлари» сингари асарларидан кейин ижоднинг чўққисига чиқди-ю, «Гирдоб»ни қойилмақом қилиб ёзиб ташлади, бу билан ўзига ҳайкал ўрнатиб кетди.

У «Ўзбекистон овози» газетасида бош муҳаррир бўлиб ишлаган кезларида камдан-кам ҳордиқ чикарганнинг гувоҳи бўлганман. Уйда дутор осиглиқ турар эди. Гоҳида ёзиш-чиқишдан толиққан, ҳаёт ташвишларидан чарчаган кезларида беихтиёр қўлига суюкли созини оларди. Қўзларини юмиб, уни охира черта бошлаганида, аллақандай соф, баҳор нафасидай майин, ёқимли оҳанг одами олис-олисларга етаклаб кетарди. Бармоқлар зарбидан таралаётган

ҳазин куй унга яна илҳом ва гайрат бағишларди.

Йиллар ўтгани сайин ўша унутилмас давларни одам тез-тез қўмсай-верар экан. Уктам Усмонов нозик таъб, юқори маданиятли, камтар, ширинсўз эди. Ҳамхонанг дилкаш, оққўнгил, бунинг устига ҳақиқий ижод шайдоси бўлса, яйраб ишлайсан, ишинг ҳам унади. Ўшанда чарчаш нималигини билмасдик, қандай қилиб кеч кириб қолганини ҳам сезмасдик. Ҳамкасбимиз Неъматжон Улуғжонов, изланганга толеъ ёр, деб, кўярди. Ҳамма аҳиллигимизга ҳавас қиларди доим.

Фан, олий ўқув юртлари ва мактаблар бўлими мудири Уктам Усмонов ўзидан олдин ишлаган ажойиб инсон ва истеъдодли қалам соҳиби Расул Раҳмонов бошлаб берган ибратли аънаналарни давом эттирибгина қолмай, уларни мазмунан бойитиш иштиёқида ёнарди. Мен ҳозирги «Туркистон» газетасидан отахон газетага ишга ўтганимдан сўнг катта кемада сузишни бошлаган матросдай ўзимни ноқулай ҳис этаётганимни пайқагач, Уктам Усмонов: «Энди чаққон-чаққон ишга киришаверинг, кўрапман, анча тортинқоқ экансиз», — дея далда берган эди. Тахририятда ишлаётган Холбек Ёдгоров, Ҳабиб Нўмон сингари забардаст устозларнинг ўзига яраша салобати бор эди, уларнинг ҳар бир сўзини, ҳар бир ўғитини қўлогимизга қўйиб олардик.

Уктам Усмонов кўп изланарди. Бунинг меваси сифатида у памонтология ҳақида илк бор илмий очерк ёзди. Унинг саъй-ҳаракати билан ўзбек журналистикаси тарихида янги

жанр пайдо бўлган эди. Кейинчалик ажойиб инсон, истеъдодли қалам соҳиби, марҳум Ўткир Абдуазимов билан бу жанрда ёзган илмий очеркларимиз учун Ўзбекистон журналистлари уюشمаси мукофоти лауреати бўлди, очерклардан иборат «Алло-малар» номли китоб чоп эттирдик. Бу ютуқларимизнинг сарчасмасида дўстим Уктам Усмонов турган эди.

Шахсан Уктам Усмонов билан ижодий ҳамкорликда ёзган очеркларимиз «Ҳаёт баҳори» номли китоб тайёрлашга туртки бўлган эди. У бошқа ташиқлотта масъул ходим бўлиб ўтганидан кейин ҳам телефонда тез-тез гаплашиб турардик, ўшанда Уктам Усмонов «Гирдоб» романини ёзаётган эди, баъзи маълумотлар хусусида маслаҳатлашарди.

Замоннинг зайли билан Уктам Усмонов яна ўзимизга қайтиб келди. Бир ойча муҳаррир ўринбосари бўлиб ишлагач, бош муҳаррир этиб тайинланди. Бизни ҳам тинчитмади. Топшириқ устига топшириқ қўшди, ҳаммада тиним бор, лекин бош муҳаррирда тиним йўқ. Кечқурунлари ҳам пайдо бўлиб қоларди. Навбатчи муҳаррирларга ишонса-да, назорат ҳам фойдали, деб ҳисобларди. Мақоалаларни эринмасдан тахрир қиларди. Қизик одати бор эди, шунча тузатишдан кейин ҳам мақола муаллифини қақриб изза қилмасди!...

Мени шунча йиллар ариза-шикоятларни ўқиганингиз етар, деб хатлар бўлимидан ахборот бўлимига ташлади. Бу ерда ҳам ўзингизни кўрсатинг энди, газета янгилик билан тирик, муштарий эса хушхабарга ташна, бўлимни янада жонлантиринг, деди. Биринчи талабни, би-

ринчи топшириқни мендан бошлади. Ишончини оқлашга ҳаракат қилдим...

Уктам Усмонов оилапарвар, ғамхўр эр, меҳрибон ота эди. Турмуш ўртоғи Шарифахонни бошига кўтариб, кафтида эркаларди, эгизаклари — Зухра ва Ҳасанни ер-у қўққа ишонмасди. Шарифа хотирасида ёзган эди: «Уктам ака ниҳоятда содда инсон эди. Ёш боладек ҳаммага ва ҳамма гапга ишонаверарди. Чунки у киши одамни алдаш нималигини мутлақо билмас эди».

Унинг чет элга сафари биз учун жуда қимматга тушди. 1989 йилнинг 6 ноябрдан 18 ноябргача Гана ва Нигерияда ўтаётган Ўзбекистон маданияти кунларида делегация раҳбари сифатида борган Уктам Усмонов сафардан қайтаётиб, Москвага тушгач, уни бирдан безгак тутта бошлади, шунда ҳам шифокорга мурожаат қилмай, дори-дармон қилиб, Тошкентга учди. Ишхонада икки кун бўлди-ю, шифохонага тушди. Бедаво дардга чалинган экан, кўп ўтмай, ёруғ дунёни тарк этди...

Сойлик қишлоғидаги Уктам Усмонов яшаган кўчага унинг номи берилган. Замондошлари, билган-танганлар адибни ёруғ хотиралар билан эслашади. У ҳаётни севарди, ҳаётдан жуда эрта кетди, бироқ истеъдодли, фидойи адиб, қалами ўткир журналистдан уни эслатиб тургуви қимматбаҳо асарлар қолди.

Миршароф МУҲСИМОВ,
Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган журналист.

Гандбол

ЖАҲОН
КУБОГИ

ЁШЛАРИМИЗДА



Италиянинг Милан шаҳрида 18 ёшгача бўлган гандболчилар ўртасида ўтган жаҳон кубогига Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси ғолиб бўлди. Ҳамюртларимиз финалга қадар Дания, Германия, Италия ва Туркия терма жамоаларини мағлуб этишди.

Турнир қоидаларига кўра, финал ўйинида очколар нисбати энг яхши икки терма жамоа — Ўзбекистон ва Германия ўзаро кураш олиб борди. Кескин ўтган бу учрашувда гандболчиларимиз 28:24 ҳисобида рақибларидан устун келди.

Турнирда 3-ўринни Дания терма жамоаси эгаллади.

Шаҳбоз САИДОВ

Реклама

AGROBANK

Fitch Ratings

халқаро рейтинг
агентлиги 2017 йил 11-июлда

“Агробанк”
акциядорлик тижорат банкининг
халқаро рейтингини

“Барқарор”

деб баҳолади



MUASSIS:

O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: **Safar OSTONOV**

TAHRIR HAY'ATI:

Hotamjon KETMONOV	Muslihidin MUHIDDINOV	Farrux HAMROYEV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Ulug'bek VAFOYEV	Saidkamol XODJAYEV	Tat'yana KISTANOVA (Bosh muharrir o'rinbosari)
	Ochilboy RAMATOV	

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — **233-12-56**
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot
agentligida 0006-raqam bilan
2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqarasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va
shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini
ko'chirib bosish faqat tahririyat
ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 738
9319
nuxxada
bosildi.
Nashr ko'rsatkichi — 220
t — Tijorat materiallari
O'za yakuni — 21:37
Topshirilgan vaqti — 01:20
Sotuvda kelishilgan narxdo

Navbatchi:
Nurullo OSTONOV
Sahifalovchi-dasturchilar:
Zafar BAKIROV
Behzod ABDUNAZAROV



Хурматли юрtdoшлар!

«АСАКА» БАНК

2017 йил «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»
деб эълон қилиниши муносабати билан қуйидаги миллий
валютадаги муддатли янги омонат турини таклиф этади:

«Манфаатли-2017»

Ушбу омонатнинг сақланиш муддати 12 ой бўлиб, ҳисобланган
фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

Шу билан биргаликда, «Асака» банк миллий валютада 26 турдаги ва
хорижий валютада 13 турдаги қулай шартларда омонат турларини таклиф
этади. Омонатларни банкнинг барча филиалларида расмийлаштириши мумкин.

Филиаллар	Код	Телефон	Филиаллар	Код	Телефон
Тошкент шаҳар филиали	371	120-83-13	Наманган вилоят филиали	369	227-15-68
Автотранспорт филиали	371	120-39-95	Навоий вилоят филиали	436	770-21-29
Пийхонтохур филиали	371	140-39-36	Зарафшон филиали	436	572-40-14
Юнусобод филиали	371	221-80-67	Бухоро вилоят филиали	365	770-05-19
Сирдарё филиали	371	257-44-10	Бухоро шаҳар филиали	365	770-11-27
Тошкент вилоят филиали	371	120-84-13	Самарқанд вилоят филиали	366	233-65-47
Анжиян вилоят филиали	374	223-60-74	Афросиёб филиали	366	221-71-76
Асака филиали	374	233-21-99	Қашқадарё вилоят филиали	375	221-07-41
Фарход филиали	374	226-96-63	Сурхондариё вилоят филиали	376	770-82-12
Фаргона вилоят филиали	373	244-39-14	Қорақалпоғистон филиали	361	770-60-59
Маргилон филиали	373	237-62-23	Хоразм вилоят филиали	362	228-14-81
Олмалик филиали	373	432-19-80	Сирдарё вилоят филиали	367	225-44-03
Қўқон филиали	373	542-61-01	Жиззах вилоят филиали	372	226-43-11

Сизнинг омонатларингиз:

- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
- маълумотлар сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
- эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
- миқдори чекланмаган!

Барча омонатларингиз
Фуқароларнинг банклардаги
омонатларини кафолатлаш
жамғармаси томонидан
кафолатланади.

«Асака» банк сармоянгизни сақланиши ва
кўпайишини кафолатлайди!

www.asakabank.uz

Хизматлар лицензияланган.